
Миллат байроғига эҳтиром

Хабар бериб борилаётганидек, Ўзбекистон туманида 18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганлигининг ўттиз уч йиллиги кенг нишонланмоқда. Тарихий сана муносабати билан маҳалла ва муассасаларда ватанпарварлик руҳидаги тадбирлар, турли лойиҳалар ташкилланмоқда.

Яйпандаги 23-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган тантанали тадбирда туман ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ёшлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси садолари била бошланган байрамда туман ҳокимининг ўринбосари Муслимбек Аҳмедов юртимиз байроғи ҳақида сўзлаб, иштирокчиларни бугунги сана билан муборакбод этди. Қайд этилганидек, Давлатимиз рамзлари элимизнинг ҳурлиги, миллий ғурур ва менталитетимиз, шонли тарихимиз ҳамда эзгу орзу-интилишларимизни ўзида акс эттириши билан бирга халқаро миқёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини юксалтириш, юртдошларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғусини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Байрам тадбири маънавият ва маърифат маркази, болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда мактабгача ва мактаб таълими бўлими томонидан тайёрланган бадиий дастур билан давом этди. Ўқувчи ёшлар томонидан Она Ватанни, истиқлол ва тинчликни мадҳ этувчи шеър ва куй-қўшиқлар янгради.

Давлатимиз байроғи қабул қилинганлигининг 33 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар туман масканларида давом этмоқда.

2024-11-18 15:51:12